# Спартакиада натижалари

“Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” факультети “Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш” таълим йўналиши 2-босқич талабаларининг ТИҚХММИ “Ўқув-илмий марказида” ўтказилган “Мелиорация ва қурилиш машиналарини бошқариш” амалиёти даврида ёшларимизнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида, шашка, волейбол, 100 метрга юругиш, armwrestling каби спорт мусобақалари ўтказилди. Натижаларга кўра, Спартакиаданинг волейбол тури бўйича, 1-ўрин 203- гуруҳ талабалари, 2-ўрин 202 - гуруҳ талабалари, 3-ўрин 207 - гуруҳ талабалари ғолибликни қўлга киритишди. 100 метрга югуриш тури бўйича 1-ўрин 203 гуруҳ талабаси Сулаймонов Шарифжон, 2-ўрин 202 -гуруҳ талабаси Рахимов Муҳаммаджон, 3-ўрин 204-гуруҳ талабаси Умаров Рустамбек ҳамда Armwrestling тури бўйича 1-ўрин 207- гуруҳ талабаси Акбаралиев Азимжон, 2-ўрин 203- гуруҳ талабаси Олимов Шахзод, 3-ўрин 205- гуруҳ талабаси Мухторов Жасурбек мусобақа ғолибига айланишди. Қизлар ўртасида ўтказилган Спартакиаданинг шашка тури бўйича 1-ўрин 202- гуруҳ талабаси Қурбонова Шахло, 2-ўрин 201-гуруҳ талабаси Ҳамидова Гавҳар, 3-ўрин 201-гуруҳ талабаси Нурматова Дилноза ғолибликни қўлга киритдилар. ГИМ факультети декани Б.Норов томонидан ўндан ортиқ талабаларимиз амалиёт даврида фаол иштироки ҳамда китобхонлиги учун фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Спартакиадада ўрин эгаллаган талабаларимизга институтимиз Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Қ.Шавазов тасдиқлаган даражали дипломлар берилди. Юқорида бешта ташаббус доирасида ўтказилган китобхонлик ҳамда спорт мусобақалари амалиётда қатнашган барча талабаларни қамраб олди.

**“Гидромелиоратив ишларни механизациялаш” кафедраси стажёр-ўқитувчиси Холова Сарвиноз ахбороти**

**Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**